

TOSHKENT HAQIQATI

2025-yil
17-dekabr
CHORSHANBA
№ 96-97 (13857-58)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Дехқоннинг меҳнати ризқнинг хазинасидир

Нурафшон шаҳрида Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни тантанали нишонланди.

Маросимда туман ва шаҳар ҳокимлари, миришкорлар, фермерлар, деҳқонлар, агрокластерлар раҳбарлари, соҳа мутахассислари, ҳамкор ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.



Шукух

Тадбир ўтказиладиган манзил байрамона руҳда безатилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва илғор агротехнологиялар кўргазмаси ташкил этилди. Ҳар бир

ҳудуд учун алоҳида павильонлар ажратилиб, уларда етиштирилган маҳсулотлар намойиш этилди. Шунингдек, Янги йил арчаси безатилиб, унинг атрофида

Қорбобо ва Қорқиз, эртак қаҳрамонлари иштирокидаги рақс ва томошалар байрамга ўзига хос шукуҳ бағишлади. Зал деворларига ҳар бир ҳудуднинг деҳқон-

чилиқ анъаналарини тараннум этувчи ашъорлар, илғор фермерларни, деҳқончиликни шарафловчи сўзлар, ширлар битилди.

6

Viloyat bo'ylab

TOSHKENT viloyati hokimi Zoyir Mirzayev boshchiligidagi barcha tuman va shahar hokimlari hamda faollar O'zbekiston Islom sivilizatsiyasi markazini ziyorat qilishdi. Sayohatchilar markazida yaratilgan ilmiy-ma'rifiy majmua, uning maqsad va vazifalari hamda mazmunan boy ekspozitsiyalari bilan yaqindan tanishishdi.

Viloyat hokimi Zoyir Mirzayev tashabbusi bilan BEKOBOD shahrining chegaraorti hududida joylashgan "Jomiy" va "Bunyodkor" mahallalarida yashovchi 20 nafar nuroniy uchun Farg'ona viloyatidagi "Besh chashma" sihatgohiga o'n kunlik bepul sog'lomlashtirish va dam olish safari tashkil etildi. O'n kunlik hordiq nuroniylarning salomatligini mustahkamlash, ruhiy barqarorligini oshirish va ijtimoiy hayotda faol ishtirok etishlariga xizmat qiladi.

OQQO'RG'ON tumani tibbiyot birlashmasiga qarashli ko'p tarmoqli markaziy poliklinika xodimlari "Jag'alboyli" mahallasi aholisining ehtiyojmand qatlamini chuqurlashtirilgan tibbiy ko'rikdan o'tkazishdi. Unda 19 nafar oilaning 5 nafar a'zosi ambulator, 1 nafari statsionar davolanishi uchun yo'llanma berildi hamda poliklinika tomonidan bepul dori-darmon bilan ta'minlandi.

CHIRCHIQ kimyo-industrial texnopark hududida Toshkent kimyo-texnologiya instituti va "O'zKimyosanoat" AJ hamkorligida tashkil etilgan "Intellectual kimyo texnologiya tizimlari" ilg'or muhandislik maktabining ochilish tadbiri bo'lib o'tdi. Mazkur maktab kimyo sanoati uchun zamonaviy, amaliyotga yo'naltirilgan va xalqaro talablarga mos muhandis-texnologlarni tayyorlashga ixtisoslashtirilgan. Ikki yillik ta'lim jarayonida talabalar sanoat korxonalarida real loyihalar va tadqiqot ishlarida ishtirok etishadi.

PARKENT tumanining Qiziltog' shaharchasi hududida elektr simlari va tarmoqlarini yaxshilash ishlari olib borilmoqda. Bu jarayon 2025-2026 yillar qish mavsumida elektr ta'minoti barqarorligini ta'minlash, nosozlik va uzilishlarning oldini olishga qaratilgan. Mazkur sa'y-harakatlar aholiga sifatli va uzluksiz elektr energiyasi yetkazib berishni ta'minlashga xizmat qiladi.

Бугун инсон қадрини улуғлаш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, маҳаллаларни обод, кўчаларни кўркам қиёфага келтириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида қилинаётган ишларнинг замирида ягона гоя мужассам – одамлар эртага эмас, бугун яхши яшашлари керак!

“Фаровон” – Янги Ўзбекистоннинг намунали маскани

Янгийул шаҳрининг “Фаровон” маҳалласида “Обод маҳалла” мезонлари асосида амалга оширилган бунёдкорликларни ана шундай эзгу ташаббусларнинг амалий натижаси дейиш мумкин. Бутунлай янги қиёфа касб этган маҳалланинг фойдаланишга топшириш маросимида вилоят ҳокими Зойир Мирзаев, бarcha туман ва шаҳарларнинг қурилиш бўйича ўринбосарлари, бош архитекторлар, депутатлар, нуроний отахону онахонлар, маҳалла фаоллари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.



2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2027 йилги футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионати тийёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида

2027 йилда Ўзбекистон ва Озарбайжонда бўлиб ўтадиган футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионатини юқори савияда ташкил этиш ҳамда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси ва Осиё футбол конфедерациясининг нуфузли йирик мусобақаларини ўтказиш мақсадида қарор қиламан:

- I. Устувор йўналишлар**
- 2027 йилда футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионатини (кейинги ўринларда – Жаҳон чемпионати) ташкил этиш ва ўтказишнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:
 - Жаҳон чемпионатига муносиб тийёргарлик кўриш, уни юқори даражада ўтказиш;
 - Жаҳон чемпионати тийёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (кейинги ўринларда – ФИФА) талабларига мувофиқ зарур бўлган инфратузилмани яратиш;
 - Жаҳон чемпионати иштирокчилари ва мухлисларига юқори даражадаги хизматларни кўрсатиш учун қулай шароитлар яратиш;
 - Жаҳон чемпионатини ўтказиш орқали мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.
 - Жаҳон чемпионатини ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар
 - Куйидагилар:
 - 2025 йил 2 октябрь куни ФИФА Кенгаши томонидан футбол бўйича Жаҳон чемпионатини Ўзбекистон ва Озарбайжонда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин;
 - 2027 йилги футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионати тийёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий кўмита) таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;
 - 2027 йилги футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионати тийёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Тошкент вилояти ҳокими Зойир МИРЗАЕВнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда келгуси режалар ҳусусида жамоатчиликка МУРОЖААТИ

4

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига 2026 йил учун ОБУНА БЎЛИНГ!

Йиллик обуна баҳоси (тўғридан-тўғри таҳририят билан шартнома қилинганда):

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – 896 300 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 205

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – 586 200 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 207

Етказиб бериш хизмати ичида.
«Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳафтада икки мартаба – чоршанба ва шанба кунлари,
«Ташкентская правда» газетаси эса жума куни чоп этилади.

Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35
Обуна таҳририятда, почта филиаллари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларда расмийлаштирилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2027 йилги футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида

3. Ташкилий кўмитига (А.Арипов) куйидаги вазифалар юклатилсин:

(а) Жаҳон чемпионатини юқори савияда ўтказиш бўйича масъул давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

(б) ФИФА талабларига мувофиқ Жаҳон чемпионати ўтказиладиган объектларнинг инфратузилмасини яхшилаш, замонавий техник ва телекоммуникация ускуналари билан жиҳозланишини таъминлаш;

(в) Жаҳон чемпионати иштирокчиларининг Ўзбекистонга келиб-кейтиши, уларга виза расмийлаштирилиши, транспорт, тиббий хизмат кўрсатиш ва волонтерлик масалаларини мувофиқлаштириш;

(г) Жаҳон чемпионати бўлиб ўтадиган худудларни узлуксиз ва муқобил электр энергияси билан таъминлаш, ободонлаштириш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

(д) Жаҳон чемпионати бўлиб ўтадиган худудларда футбол стадионлари, машгулот майдонлари ва меҳмонхоналарни тайёр ҳолатга келтириш.

4. Белгилансинки, Ташкилий кўмитига ушбу қарорнинг 3-бандида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Жаҳон чемпионатини юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ тезкор қарорларни қабул қилиш ваколати берилди.

III. Молиявий ресурслар

5. 2027 йилги футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионати доирасида амалга ошириладиган харажатлар ва уларни молиялаштириш манбалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Спорт вазирлиги ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг талабномаларига асосан Транспорт вазирлиги:

(а) Жаҳон чемпионатида аккредитациядан ўтган шахслар ҳамда ўйин кунлари чипталари мавжуд бўлган шахсларнинг жамоат транспорти воситаларида бориб келиши учун Тошкент – Янги Тошкент – Тошкент йўналишида алоҳида автобуслар қатновини йўлга қўйсин;

(б) Жаҳон чемпионатида аккредитациядан ўтган шахслар ҳамда ўйин кунлари чипталари мавжуд бўлган шахслар учун жамоат транспорти воситаларидан (автобус, метро) бепул фойдаланиш имкониятларини яратиш чораларини кўрсин.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

IV. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

7. ФИФА ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг Тошкент шаҳрида **ФИФАнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий офиси**ни (кейинги ўринларда – минтақавий офис) очиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Белгилансинки:

(а) минтақавий офисни ташкил этиш ва сақлаш харажатлари биринчи навбатда ФИФА томонидан ажратиладиган маблағлар, етмаган қисми эса Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бироқ умумий харажатларнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда қопланади;

(б) минтақавий офис Тошкент шаҳри Ислол Каримов кўчаси 98а-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон футбол ассоциациясининг биносидан бегарас асосда жойлаштирилади;

(в) минтақавий офис биносини таъмирлаш, зарур мебель, жиҳоз, техника ва транспорт воситалари билан таъминлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 ноябрдаги ПҚ-355-сон қарорига мувофиқ Тикланши ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади. Бунда минимал сақлаш талаблари Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан белгиланади.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

9. Жаҳон чемпионатини юқори савияда ўтказиш мақсадида:

(а) Ўзбекистон футбол ассоциацияси Янги Тошкент шаҳри худудида барпо этилаётган **“Янги Тошкент марказий футбол ўйингоҳи”** ФИФА ва Осиё футбол конфедерациясининг нуфузли мусобақалар ўтказиш бўйича талабларига мослаштирилишини назорат қилсин;

(б) Ўзбекистон футбол ассоциацияси Спорт вазирлиги билан биргаликда:

(i) Жаҳон чемпионатининг расмий футбол тўпини, логотипини, рамзини (маскот) оммага таништириш маросимлари ҳамда бошқа расмий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш чораларини кўрсин;

(ii) Жаҳон чемпионати бош соврини – Жаҳон кубогини оммага таништириш учун республика бўйлаб маршрутини ишлаб чиқсин ва унинг амалга оширилишини ташкил этсин;

(в) Энергетика вазирлиги Жаҳон чемпионати объектлари ва Халқаро трансляция марказини ФИФА талаблари бўйича узлуксиз ва муқобил электр энергияси билан таъминласин;

(г) Ўзбекистон футбол ассоциацияси 2026 йил 1 январга қадар ФИФА талаби асосида Жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича маҳаллий ишчи гуруҳ (Local Organization Committee) ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги:

(а) ФИФА томонидан белгиланган талабларга мувофиқ Жаҳон чемпионати учрашувларини эфирга узатиш ҳуқуқи учун лицензия олиш чораларини кўрсин;

(б) Жаҳон чемпионатини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича медиарежани ишлаб чиқсин;

(в) мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар эълон қилиниши, брифинглар, тематик телекўрсатувлар тайёрланишини ташкил этсин.

11. Спорт вазирлиги ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

(а) уч ой мuddатда мазкур қарорга 3-иловага мувофиқ харажатларни молиялаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутуви Ҳукумат қарори лойиҳасини;

(б) 2026 йил 1 майга қадар Вазирлар Маҳкамасининг ФИФА билан эришилган келишувдан келиб чиқиб, Жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ва юқори савияда ўтказиш доирасида ФИФАга, унинг аъзолари ва ҳамкорларига, ташкил этилаётган маҳаллий ишчи гуруҳга, тадбиркорлик субъектлари ва мухлисларга тақдим этилаётган қулайлик ва имтиёزلарни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ҳукуматга киритсин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жаҳон чемпионатида муносиб тайёргарлик кўриш, уни юқори даражада ташкил этиш ва ўтказиш учун талаб этиладиган маблағлар **2026–2027 йилларда Давлат бюджетни параметрларида** назарда тутилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавабгар этиб спорт вазири А.И. Икромов, Ўзбекистон футбол ассоциацияси раиси Б.Н. Қурбанов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Ш.Б. Умурзаков белгилансин.

14. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг спорт бўйича вакили О.Қ. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Устоз ва шогирд мукофотланди

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан 2024–2025-ўқув йили давомида халқаро ҳамда минтақавий фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришган иқтидорли ўқувчилар ва уларнинг фидойи устозларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Таълим

Таъкидлаш лозимки, 2024–2025 ўқув йили давомида ўқувчилар 29 та нуфузли халқаро олимпиадада муносиб иштирок этиб, 40 та олтин, 78 та кумуш ва 92 та бронза, жами 210 та медални қўлга киритишди. Бу кўрсаткичлар сўнгги йилларда мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар, илм-фан ва ёшлар таълимига қаратилган юксак эътиборнинг яққол самараси, десак янгилимаган бўламиз.

Қувонарлиси, тақдирланганлар сафида Олмалик шаҳридаги “Бухоро мактаби” жамоаси вакиллари ҳам бор. Хусусан, таълим муассасасининг кимё фани ўқитувчиси Мусо Хошимжоновга 144 миллион 200 минг сўм, иқтидорли ўқувчи Иброҳим Темуровга эса 627 миллион 888 минг сўм миқдордаги пул мукофотлари тантанали тарзда топширилди. – Бундай эътибор устозлар ҳамда ўқувчиларни янада

руҳлантиради, билим олишга бўлган иштиёқни оширади, – дейди Мусо Хошимжонов. – Бу нафақат моддий рағбат, балки маънавий қўллаб-қувватлашдир. Ҳар бир шогирдининг ютуғи мен учун янги илҳом, янги қувват бағишлайди. Келгусида бизга билдирилган ишончини оқлаб, халқаро танловларда юқори ўринларни эгаллашга ҳаракат қиламиз.

Қайд этилганидек, мазкур юксак эътироф нафақат “Бухоро мактаби” жамоаси, балки бутун Тошкент вилояти таълим соҳаси учун ҳам катта фахрдир. Бу ютуқлар ёшларимизнинг билим ва салоҳиятига бўлган ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётганини, устозлар меҳнати ва фидойиллиги юксак қадрланаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўз мухбиримиз



Эзгулик



Вилоят ҳокимлигидан УЧ ТАШАББУС!

Янги йил байрами муносабати билан меҳр-мурувват, саховат, бағрикенглик ва инсонпарварлик фазилатларини намоён этиш, инсон қадри тушунчасини фуқароларимиз онгига янада кенгроқ синдириш мақсадида Тошкент вилояти ҳокимлиги уч эзгу ташаббусни илгари сурмоқда!

БИРИНЧИ ТАШАББУС:

вилоят ҳокимлиги, прокуратура органлари, депутатлар ва кенг жамоатчилик кўмаги билан **112 та** оғир уй-жой шароитида истиқомат қилаётган хонадонларни таъмирлаш ёки рўйхати шакллантирилди.

Мазкур хонадонларни таъмирлаш ва тиклашни ихтиёрий ҳомийлар кўмағида

2026 йилнинг 1 апрелигача тугаллаш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, ҳозирда хурматли Президентимиз томонидан Тошкент вилоятига бириктирилган Мўйноқ туманидаги **651 та** хонадонда таъмирлаш, **142 тасида** янгидан қуриш ишлари олиб борилиб, **314 таси** тугалланди.

ИККИНЧИ ТАШАББУС:

вилоят Мактабгача ва мактаб таълими, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармалари ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан вилоятдаги эҳтиёжманд оилалар фарзандларига **қишки кийим олиб бериш**

“акция”сини бошламоқчимиз.

Бунда болажонлар ҳомийлар томонидан савдо нуқталарига олиб борилиб, ўзларига маъқул бўлган кийимларни олишлари мумкин бўлади.

УЧИНЧИ ТАШАББУС:

“Нуроний” жамғармасининг вилоят бўлими томонидан вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига ҳисса қўшган фахрийларнинг рўйхати шакллантирилмоқда. Уларга байрам совғаси сифатида ўзлари хоҳлаган газета ва журналларга **бир йиллик обуна** ташкил қилиш режалаштирилди.

Мазкур хайрли ташаббуслар учун сарф-харажатлар қонунчиликда тақиқланмаган манбалар ва саховатпеша инсонларнинг ихтиёрий ҳомийлик ёрдамлари билан амалга оширилмоқда.

Албатта, бу хайрли ишлар шартли равишда **“Уч ташаббус”** дейилмоқда. Аслида, байрамолди эзгу ишлар, хайрли ташаббуслар кўлами муттасил ортиб бораверади!

Сизни ҳам бу эзгу ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва замондошларимизга байрамона кайфият ва мурувват улашишга чорлаймиз!

Маълумот учун: вилоят ҳокимлигининг ижтимоий тармоқ саҳифаларида жараён атрофлича ёритиб борилади.

Ўзаро манфаатли қўшма лойиҳалар

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев ҳамда Башқирдистон Республикаси раҳбари Радий Хабилов ўртасида онлайн форматдаги мулоқот бўлиб ўтди. Унда икки худуд ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва истиқболли йўналишлар бўйича фикр алмашилди.

Ҳамкорлик

Вилоят ҳокими мунтазамлик касб этиб бораётган мулоқотлар ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган дўстона муносабатларни ривожлантириш, ҳамкорликка оид масалаларни атрофлича муҳокама қилиш ҳамда аниқ амалий ечимлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, Башқирдистон раҳбари Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, айниқса, Тошкент вилояти энг ишончли ва стратегик ҳамкорлардан бири экани, бу ҳудудда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар Башқирдистон ишбилармон доираларида катта қизиқиш уйғотаётганини қайд этди.

Шунингдек, у яқинда Тошкент вилояти делегациясининг Уфа шаҳрига амалга оширган таширфини ҳам самарали баҳолаб, меҳмонхона қуриш, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича эришилган келишувлар амалий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга имкон қилишини билдирди.

Чиндан ҳам, Башқирдистон Тошкент вилояти учун муҳим ҳамкор. Республикада саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан ҳамда туризм соҳаларида амалга оширилаётган ва қўллаб-қувватланаётган дастурлар яхши натижалар бермоқда. Бу тажриба ҳар икки томон учун ҳам ўзаро манфаатли бўлиб, ҳамкорлик қадамлари аллақачон ташланган.

Хусусан, Уфа шаҳрида меҳмонхона қуриш лойиҳаси учун майдони 4 гектар бўлган ер участкаси танланган. Айни пайтда ер ажратилиш ва қуриш ишлари бўйича зарур ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни олиб борилаётган.

Шунингдек, Илгин туманида қиймати 500 минг АҚШ долларига тенг лойиҳа асосида фермер хўжалиги ташкил этиш учун муносиб ер майдони ажратилиш кўзда тутилган. Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 400 минг АҚШ доллари қийматидаги лойиҳа доирасида 4 минг гектар ер майдони ажратилмоқда. Ҳозирда мазкур лойиҳалар бўйича ер ҳужжатларини расмийлаштириш ишлари давом этмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида Башқирдистон Республикаси Халқ табиати ва айлентария марказининг филиалини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 300 минг АҚШ доллари ташкил этади.

Учрашув якунида томонлар худудлар ўртасидаги ҳамкорлик янги иш ўринлари яратиш ҳамда иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга ҳизмат қилишини алоҳида қайд этишди.

Бугунги самимий мулоқот келгусида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор яратишига ишонч билдирди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

“Фаровон” — Янги Ўзбекистоннинг намунали маскани



Йиғилганлар маҳаллада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Жорий йилнинг октябрь ойидан аниқ режа ва тасдиқланган дастурлар асосида маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш, миллий ва замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган қулай яшаш муҳитини яратиш, мазкур маскани Янги Ўзбекистоннинг намунали массивига айлантириш бўйича сазой-харажатлар бошланган эди. Қисқа фурсат ичида маҳал-

ла худудидаги 14 та кўп қаватли уйларнинг ташқи кўриниши янгиланди. Уй деворларига миллий кадриятлар, табиатни асраш ва умуминсоний гоёларни акс эттиручи бадиий суратлар чизилди.

Шунингдек, кўп қаватли уйларнинг кириш қисмлари тўлиқ таъмирланиб, ички томонлари берадиган қулай яшаш муҳитини яратиш, манзарали ва мевали дарактлар, шу жумладан арча, сосна, шарқ чинори, ҳинд сирени, олма, ўрик, хурмо ва олча кўчатлари экилд.

Ешларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва соғлом рақати учун қулай шароитлар яратилди. Уйларнинг иссиқлик таъминоти, электр энергияси ва газ тармоқлари ҳам яхшиланди. Маҳаллада яшил худудлар сонини ошириш ва экологик муҳитини яхшилаш мақсадида кўп қаватли уйлар атрофида яшил боғлар ташкил этилиб, замонавий ўриндиқлар ўрнатилди, манзарали ва мевали дарактлар, шу жумладан арча, сосна, шарқ чинори, ҳинд сирени, олма, ўрик, хурмо ва олча кўчатлари экилд.

Ешларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва соғлом

турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш мақсадида кўп қаватли уйлар олдида замонавий талабларга мос мини футбол, волейбол, баскетбол ва “workout” майдончалари барпо этилди. Шунингдек, кичик ёшдаги болалар учун хавфсиз болалар ўйин майдончалари яратилди. Хотин-қизлар учун тадбиркорлик маркази қурилди. Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида маънавий меросга ҳурмат ва маърифатни кенг тарғиб этиш мақсадида улғу алломалар, мутафаккир олимлар ва ёзувчиларнинг ибратли

сўзлари ҳамда қисқа маълумотлари жойлаштирилган пештакталар ўрнатилди.

Мухтасар айтганда, мазкур маҳаллада амалга оширилган бунёдкорликлар натижасида худуд қиёфаси тубдан янгилиниб, аҳоли учун қулай, хавфсиз ва замонавий яшаш муҳити яратилди.

Тадбир доирасида “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллани ташкил этишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар” мавзусида амалий семинар ҳам ташкил этилди.

Маҳаллани топшириш маросимида Президент маслаҳатчиси Ф.Мирзаев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Худуд тараққиёти – бу фақат қуриладиган иншоотлар ёки амалга ошириладиган лойиҳалар билан эмас, балки аҳолининг ҳаёт сифатидаги реал ўзгаришлар билан ўлчанadi. 2025 йил – “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” Тошкент тумани учун айнан шундай ўзгаришларга бой бўлди. Бу даврда туманимизда инфратузилмани яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Аввало шуни қайд этиш жоиз, туманимизда амалга ошириладиган иншоотлар тасодифий ташаббуслар эмас, балки мамлакатимиз стратегик мақсадлари асосида аниқ режа ва мезонларга мувофиқ ҳаётга тadbиқ этилмоқда. Ҳар бир лойиҳа ва ҳар бир ўзгариш ўз манзилли йўналиши билан туман тараққиётининг “йўл харитаси” сифатида хизмат қилади.

▼ “Тошкент ҳақиқати” минбари

Президентимизнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси эса мамлакатимиз раванки ва юрт истиқболига қаратилган улкан дастур сифатида бутун халқимиз ҳаётига аниқ йўл-йўриқ бермоқда. Бу ҳужжат нафақат иншоотлар манзили, балки ҳар бир соҳада аниқ натижага эришиш учун амалий ҳаракатлар мезони ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг бир йил муқаддам Тошкент туманига амалий ташрифлари чоғида белгилаб берилган устувор вазифалар туманининг ривожланиш йўлини аниқ белгилаб берди ва бу вазифалар худуднинг ижтимоий-иқтисодий қиёфасини тубдан янгилашга хизмат қилмоқда.

ликка эришиши натижасида “Чиғатоё” маҳалласида 3 та янги трансформатор ўрнатилиб, 70 дан зиёд бетон таянчлар қад ростлади, шунингдек, тунги ёритиш тизими ҳамда пидедалар йўлакчалари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди.

Аҳоли манфаатларини таъминлашга қаратилган ишлар давлат дастурлари доирасида ҳам изчил давом этирилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 330-сонли қарори асосида тумандаги 5 та оғир маҳаллада 4 та трансформатор ўрнатилиб, 13 километр узунликда янги СИП кабеллар тортилиши билан бир қаторда 264 та бетон таянчлар ўрнатилди. Бу ишлар натижасида аҳолининг электр таъминоти сезиларли даражада яхшиланди. Йил якунига қадар яна битта трансформатор

қўри қиймат яратиладиган sanoat тармоқларида ҳам барқарор ўсиш кузатилиб, мазкур соҳада 108,1 фоизлик ўсишга эришилди ва жами 3 триллион 175 миллиард сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий фаолликнинг ошиши тadbиркорлик муҳитининг янада ривожланишига хизмат қилмоқда. Йил давомида 651 та янги тadbиркорлик субъекти ташкил этилди ва уларнинг умумий сони 3 минг 231 тага етди. Давлат томонидан қўрсатиладиган қўллаб-қувватлаш чоралари доирасида 951 нафар тadbиркорга 6 минг 985 та ҳолат бўйича жами 236,8 миллиард сўмлик солиқ имтиёзлари тақдим этилди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан оилавий тadbиркорликни ри-

ги кунга қадар 55,8 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилиниб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан салкам 10 баробарга кўп бўлди. Ушбу натижа туман тарихида энг юқори экспорт кўрсаткичи сифатида қайд этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида қўлга киритилган бундай ижобий кўрсаткичлар аҳоли турмуш даражасини ошириш билан бирга, туманининг умумий ижтимоий ривожига ҳам мустақам замин яратмоқда. Зеро, аҳоли фаровонлиги таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт каби ижтимоий соҳалардаги юксалишлар билан чамбарчас боғлиқ.

яратилган замонавий шарт-шароитлар самараси ўлароқ туман Спорт мактаби тарбияланувчилари миллий ва халқаро майдонларда юксак натижаларни кўлга киритмоқда.

Жумладан, 186 нафар спортчимиз Тошкент вилояти чемпионатларида, 98 нафари эса Ўзбекистон чемпионатларида голиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Айниқса, таэквондо бўйича 4 нафар тумандошимизнинг жаҳон чемпионлигини кўлга киритгани тарихий ютуқ сифатида қайд этилди.

Бундан ташқари, “Қашқарлик” маҳалласи яшовчи Самандар Олимов бокс бўйича Таиландда бўлиб ўтган Осие чемпионатида олтин медалга сазовор бўлиб, юртимиз байроғини халқаро аренада баланд кўтарди. Шунингдек, парабандминтон бўйича илк бор ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Дилдора Исроилова ва фахрли 1-ўринни кўлга киритиб, спорт устаси унвонига муносиб қўрилди.

Жорий йилда биринчи марта ташкил этилган “Янги Ўзбекистон – Олимпия чўққилари” минтақавий босқичида эса туманимиз спортчилари эркин кураш, бадий гимнастика, дзюдо, юнон-рум кураши, бокс ва таэквондо йўналишларида олтин, кумуш ва бронза медалларини кўлга киритиб, уларнинг юксак салоҳияти ва иқтидорини яна бир бор намоён этдилар.

БАРЧАСИ КЕЛАЖАК АВЛОД УЧУН

Инфратузилмадаги ижобий ўзгаришлар, ўз навбатида, таълим ва тарбия соҳасида ҳам янги имкониятларни очиб бермоқда. Зеро, амалга ошириладиган барча ишлар аввало фарзандларимизнинг муносиб таълим олиши ва камол



КАМБАҒАЛЛИК ВА ИШСIZЛИҚДАН ҲОЛИ

Йил якунига қадар тумандаги барча маҳаллаларни камбағаллик ва ишсизликдан ҳоли худудга айлантириш – энг устувор мақсадларимиздан бири ҳисобланади. Бу йўналишда ҳар бир маҳаллада аҳоли муаммолари ўрганилиб, манзилли кўмак бериш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш чоралари босқич-ма-босқич амалга оширилмоқда.

Шубҳасиз, мақсадга эришишда раҳбарлар масъулияти ва фуқароларнинг фаоллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳамжиҳатлик ва узоқни кўзлаган саяҳаракат орқали барқарор ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт таъминланади.

Тизимли ёндашув орқали аҳоли даромадини оширишга хизмат қилувчи амалий имкониятлар шакллантирилди. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш – туманимизда ижтимоий барқарорликни мустақамлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шартидир.

Биринчидан, туманда тadbиркорликни ривожлантириш учун 690 млн. сўм маблағ ажратилган. Бу маблағлар ҳисобига ҳар бир маҳаллада камидо олтига, жами 378 та камбағал оилага ссудалар берилиб, тadbиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. Камбағал оилалар асбоб-ускуналар хариди учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараварига миқдорда 6 ойдан 3 йилгача фоизсиз ссуда олади.

Иккинчидан, ҳар бир маҳаллада камидо тўртта оила субсидия асосида тadbиркорлик билан шуғулланади, жами 252 та оилада даромад оширилади. Бу мақсадда кўчатларни сугориш ускуналарига 1,1 млрд. сўм, касаначилик даромадига 49,7 млн. сўм, интернет сайти ва ижара тўловларига 346,5 млн. сўм маблағ ажратилади.

Учинчидан, тижорат банклари орқали ҳар бир маҳаллада 5 та оилага имтиёзли кредит ажратиш орқали 315 та оиланинг даромади оширилади. “Халқ банки” ва “Микрокредитбанк” филиаллари бу жараёнда фаол қатнашмоқда.

Тўртинчидан, туманда 1 минг 912 та вакант иш ўрни мавжуд бўлиб, улардан 843 нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли аъзолари расмий бандликка эришиши мумкин. Бу борада Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ҳамда ҳоким ёрдамчилари ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Мазкур чора-тadbирларнинг изчил амалга оширилиши камбағаллик даражасини сезиларли пасайтириш имконини беради.

Йил якунига қадар худудда камбағаллик даражасини 0,9 фоизга тушириш механизми белгилаб олинган. Хусусан, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, Мактабгача ва мактаб таълим бўлими ҳамда Тиббиёт бирлашмаси биргаликда “қизил” тоифадаги 291 та оиланинг рўйхатини шакллантириб, уларга тиббий, ижтимоий, касб-хунар ва таълимга оид хизматлар курсатилишини таъминлайди.

Шунингдек, “Камбағалликдан фаровонлик сари” штаби фаолияти кучайтирилиб, ҳар ҳафтанинг жума кuni ҳар бир соҳадаги режалар бажарилишини ахборот тизими орқали кузатиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, олдимизда турган мақсадлар улкан, масъулият эса жуда катта. Лекин фойдoлийлик, масъулият ва ўзаро ҳамкорлик билан ҳар қандай вазифани ундашга қодирмиз. Туманимизнинг эртанги кuni, унинг тараққиёти, аҳолимиз фаровонлиги айнан бизнинг бугунги саяҳаракатимизга боғлиқ.

ТОШКЕНТ ТУМАНИ: БАРҚАРОР ЎСИШ ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЙИЛИ

АСОСИЙ МАҚСАД – АҲОЛИ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

Ўтаётган йил туманимиз ҳаётида чуқур из қолдирмоқда, десак муболаға бўлмайди. Чунки бу даврда йиллар давомида аҳолини қийнаб келган энг долзарб муаммоларга амалий ечим топилди. Жумладан, туманимизда кўп йиллардан бери тоза ичимлик суви билан боғлиқ масала катта муаммо бўлиб келган эди. Эндилликда эса мазкур масала босқичма-босқич ўз ечимини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги қарорига мувофиқ, Осие тараққиёти банкнинг 12,8 миллион АҚШ доллари маблағлари ҳисобидан 8 та сув иншооти (УРВ) барпо этилди. Натижада 55 та маҳалланинг 30 минг 650 та хонадонида истиқомат қиладиган 183 минг 902 нафар аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти сезиларли даражада яхшиланди. Айни кунларда яна 1 та – Зарбдор сув иншоотида қурилиш ишлари якунига етказилмоқда. Мазкур ишлар якунланган, “Қорабўриқ” ва “Беруний” маҳаллалари ҳам узлуқсиз ичимлик суви билан таъминланади.

Қилинган ишлар натижасида туман аҳолисини сув билан таъминлаш даражаси йил бошидаги 76,9 фоиздан 84,0 фоизга етказилди.

Аҳолини йиллар давомида ташвишга солиб келган яна бир муҳим масала – электр таъминоти ҳам бугунги кунда ўзининг аниқ ечимини топди. Хусусан, туман худудидаги энг йирик “Қизгалдоқ” подстанцияси қурилиши тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди. Натижада “Кўксарой” ва “Қизгалдоқ” худудларидаги 18 та маҳаллада жойлашган 20 мингга яқин хонадонда истиқомат қилувчи 70 минг нафар аҳоли, шунингдек, 500 та юридик субъектнинг электр таъминоти яхшиланди.

ва 135 та қўшимча таянч ўрнатиш орқали 3 минг нафардан ортиқ аҳолининг электр таъминотини янада барқарорлаштириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, аҳоли ва ташкилотлар ташаббуси билан жами қуввати 3 минг 664 киловаттга тенг бўлган қуёш панеллари ўрнатилиб, энергия тежамкорлик ва “яшил” иқтисодиёт тамойилларини жорий этишга муносиб ҳисса қўшилди. Йил якунига қадар “Ободлик” ва “Ширин” маҳаллаларида ҳам “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида 9 та трансформатор ўрнатиш, янги бетон таянчлар қўйиш ва СИП кабеллар тортиш орқали электр таъминотини янада яхшилаш кўзда тутилган.

Аҳоли сонининг йилдан-йилга ўсиб бораётгани эса уй-жойга бўлган талабни ҳам оширмоқда. Шу боис, аҳолини муносиб тураржой билан таъминлаш мақсадида туманимизда хозирги кунда 5 миңдан зиёд кўп квартиралы уй-жойлар қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Туманда барпо этиладиган ҳар бир иншоот ва амалга ошириладиган ҳар бир лойиҳа нафақат худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига хизмат қилмоқда, балки иқтисодий қудратни ошириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвестор-

вожлантириш дастури доирасида миңдан ортиқ фуқарога жами 12 миллиард 574 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиб, уларнинг тadbиркорлик фаолиятига жалб этилди.

Шунингдек, инвестиция соҳасида ҳам сезиларли натижалар қайд этилмоқда. Жорий йилга мўлжалланган инвестиция дастурига мувофиқ, туманда 25 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш белгилан-



топишига қаратилган. Шу мақсадда “Ойдин ҳаёт” маҳалласидаги 21-сонли умумтаълим мактабида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий фаоллар зали, спорт заллари, ошхона ҳамда ўқувчилар учун меҳнат хоналари барпо этилди. “Ширин” маҳалласидаги 16-сонли умумтаълим мактаби мукаммал таъмирланиб, замонавий талаблар асосида қайта жиҳозланди. “Қорасарой” маҳалласидаги 17-сонли мактабда эса ўқувчилар учун замонавий ўйингоҳ ва спорт майдончаси қуриб битказилди.

Шу билан бирга, “Кўксарой” маҳалласи бизнеси тўлиқ реконструкция қилиниб, аҳоли учун янада қўлай шарт-шароитлар яратилди. “Дийдор” маҳалласида 1,3 километр янги оқова сув тармоқлари тортилиб, фойдаланишга топширилди. “Қашқарлик” маҳалласида аҳоли манфаатларини инobatга олган ҳолда замонавий маҳалла маркази ташкил этилди. “Ҳалимқўп” маҳалласида эса янги 330 ўринли 32-сонли умумтаълим мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мухим ангилитлардан бири сифатида “Қирарик” маҳалласида 500 ўринли 25-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг барпо этилганини кўрсатсак, хато бўлмайди. Ушбу муассаса Президент ташрифидан илҳомланган тadbиркорлар маблағлари эвазига қад ростлади. Тadbиркорнинг мазкур саховати давлатимиз раҳбари томонидан юксак баҳолалиб, у “Шухрат” медали билан тақдирланди.

Шунингдек, йил якунига қадар “Айри ота” маҳалласида 180 ўринли янги мактабгача таълим ташкилоти биноси ҳамда “Нурҳаёт” маҳалласида 336 ўринли ихтисослашган мактаб биносини қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Таъкидлаш жоизки, бундай ихтисослашган мактаблар республика бўйича жами бештани ташкил этса, шундан биттаси Тошкент туманида.



ган эди. Амалда дастлабки 9 ой ичидаёқ 109,5 миллион доллар миқдорда хорижий инвестиция маблағлари иқтисодиётга жалб этилди. Бу эса тасдиқланган режага нисбатан 4,4 баробар юқори демакдир. Йил якунига қадар қўшимча лойиҳаларни ҳисобга олган ҳолда жами 130 миллион долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириб, йиллик прогнозни 5 баробар ортиги билан бажаришни мақсад қилганмиз.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги тармоқларини модернизация қилиш ҳам туман тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, инвестицияларни самарали тақсимлаш ва инновацион технологияларни жорий этиш орқали нафақат sanoat, балки аграр соҳада ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уни янги босқичга олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада умумий қиймати 7 миллион 770 минг АҚШ долларига тенг бўлган 4 та янги инновацион қишлоқ хўжалиги лойиҳаси ишга туширилди.

Мазкур иншоотлар натижасида туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳам сезиларли даражада ошди. Бугун-

БИРДАМЛИҚДА ҒАП КЎП

Аҳолимизнинг бирдамлиги ва фаоллиги туман ҳаётида амалга ошириладиган иншоотларнинг самарадорлигини оширишда муҳим омилга айланмоқда. Бу, ай-



лар учун жозибador муҳит шакллантиришга қаратилган. Ана шу мақсадли йўналиш ва масъулиятли ёндашув натижасида туман иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, амалга ошириладиган ишлар ўзининг аниқ натижаларини бермоқда.

Хусусан, жорий йилнинг дастлабки 10 ойи давомида туманда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барчасида ўсиш кузатилди. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 115 фоиздан ортиқ ўсишга эришди. Шу билан бирга, ташқи бозорга йўналтирилган,



ниқса, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида яққол намоён бўлмоқда. Маҳалла аҳлининг бирдамликда овоз бериб, голиб-

ЧЕМПИОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

Алоҳида таъкидлаш жоизки, туманда фан ва таълим билан бирга спорт соҳасига қаратилган доимий эътибор ҳамда

Сардорбек ЭРҒАШЕВ, Тошкент тумани ҳокими

Тошкент вилояти ҳокими Зойир МИРЗАЕВнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда келгуси режалар хусусида жамоатчиликка

МУРОЖААТИ

Барчамизга яхши маълумки, сўнгги йилларда хурматли Президентимизнинг соҳага бераётган юксак эътиборлари, жорий қилинган имтиёзлар, соддалаштирилган молиялаштириш механизмлари боис қишлоқ хўжалигида залворли натижалар қўлга киритилмоқда.

Қисқача 2025 йил натижаларини таҳлил қиламиз:

Вилоятда жами 6,3 млн. тонна ёки 23,4 трлн. сўмлик маҳсулот етиштирилиб ўтган йилга нисбатан 112 фоиз ўсишга эришилди.

Дастлаб 2 минг 42 тонна пилла тайёрланиб, 88,6 мингта янги иш ўрни яратилди (ўсиш 108 фоиз);

– 828 минг тонна ғалла етиштирилиб, 123 та фермер 100 центнердан юқори ҳосил олди (110 фоиз);

– пахтачиликда 45,5 минг гектардан вилоят тарихида биринчи мартаба 46 центнердан жами 206 минг тонна (104 фоиз) хирмон яратилди. 71 нафар фермер хўжаликлари 60 центнердан юқори ҳосил олдилар;

– 95 та фермер ўз ҳисобларидан 16,2 минг тонна пахта, 763 та фермер эса 11,9 минг гектарда ғалла етиштиришди.

Тажриба тариқасида 65 гектар ерда голубика, 125 гектарда малина, 650 гектарда қўлпанайнинг серхосил навларини етиштириш йўлга қўйилди.

35 минг гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қилинди. Насос агрегатларига 465 кВт. қувват қуёш панеллари ўрнатилди.

Жорий йил 10 декабрда муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида қишлоқ хўжалиги соҳаси чуқур таҳлил қилинди ва устувор вазифалар белгиланди.

Энг асосийси, шу кунги соҳа ривожига янги имкониятлар эшигини очиб берувчи тарихий қарорни имзолаганларни биз учун яна бир туҳфа бўлди.

Шундан келиб чиқиб “Вилоят ислохотлар штаби”, “Пахтачилик” ва “Резовор экинлар” кенгаши аъзолари билан бирга келишган ҳолда соҳанинг 2026 йилдаги асосий йўналишларини белгилаб олдик.

1. Пахтачиликда экин майдонини ўтган йилги 45 минг гектардан 53 минг гектарга кўпайтирамиз. Ҳосилдорлик 43,5 центнердан 52 центнерга, ялли ҳосил эса 198 минг тоннадан 260 минг тоннага етказилади. Ҳисоб 62 минг тонна (21 фоиз)ни ташкил этади.

Бунинг учун:

Барча майдонлар тўлиқ 76 ва 76х10 см. схемада экилади;

– 27 минг гектарга ёки 60 фоиз хорижий навлар жойлаштирилади, шундан 12,5 минг гектар майдон Шинжон усулида экилади;

– 17 минг гектар майдонга замонавий сувни тежовчи технологиялар жорий этилади;

– 5,6 минг гектарда “устоз-шоғирд” тизими асосида пахта етиштириш тажрибадан ўтказилади. Бунда 71 та малакали фермерга ҳосилдорлиги 30 центнердан паст бўлган 20 гагача фермер хўжалиги бириктирилади;

– 225 нафар фермер 14 минг гектарда 70 минг тонна (28 фоиз) пахтани ўз маблағлари ҳисобидан етиштиради. Натижада 166 млрд. сўм жамғарма маблағлари тежаланиб ва фермерлар 30 млрд. сўмдан ортиқ субсидия оладилар;

– 62 минг тонна қўшимча пахта енгил саноат корхоналари қувватини 16 фоизга оширади.

2. Ғаллачиликда 97,5 минг гектар майдондан 980 минг тонна дон ҳосили олиш режалаштирилди. Бу ўтган йилга нисбатан 152 минг тоннага кўп (116 фоиз).

Бунинг учун:

– 14 минг гектарга ёмғирлатиб суғориш жорий этилади;

– дронлар ёрдамида мавсум якунига қадар 6 мартаба суспензия усулида баргидан озиклантирилади;

– гектарига ўртача 700-750 кгдан азотли минерал ўғитлар билан озиклантирилади.

3. Сабзавотчиликда жами 40 минг гектарда 1,3 млн. тонна ёки жорий йилга нисбатан 96 минг тонна кўп маҳсулот етиштирилади.

Бунинг учун:

– 12,2 минг гектарга интенсив технологиялар жорий қилинади;

– 14 минг гектарга 2 мартаба, 26 минг гектарга 3 мартаба экиш жорий қилинади;

– тақрорий экин сифатида 63 минг гектар майдонга экспортбоп ва сув кам талаб қилувчи экинлар экилади;

– картошка 14,8 минг гектар ёки жорий йилга нисбатан 4,8 минг гектарга кўп экилади, 510 минг тонна картошка етиштирилади;

– 1000 гектар майдонда Италиядан помидорнинг юқори ҳосилли “Махрио” нави тажриба сифатида экилиб, анъанавий усулда помидор қоқи тайёрланиб 7,5 млн. долларлик экспорт қилинади;

– жорий йилнинг август-сентябрь ойларида “тўқсонбости” усулида экилган 10 минг гектар пиёз, саримсоқпиёздан 558,3 минг тонна эртаки маҳсулотлар олинади.

4. Боғдорчиликда мавжуд 31 минг гектар майдонлар хатловдан ўтказилади:

– эскирган ва кам ҳосилли 3,1 минг гектар қисми реконструкция қилинади.

– 1,4 минг гектарда интенсив боғлар барпо этилади;

– Паркент туманида Франция тажрибаси асосида 549 гектар янги гилосзор яратилади;

– мавжуд 13,7 минг гектар узумзорларнинг 2,9 минг гектари реконструкция қилиниб, 4,7 минг гектари бетон устунларга кўтарилади;

– 400 гектарга саноатлашган данаксиз экспортбоп “Аватар” узум нави экилади;

– Пискент туманида 400 гектарда Фарғона усулида янги узумзор барпо этилади;

– узумчилик хўжаликлари даласида кичик сиғимли 350 та жами 24 минг тонналик музлаткичлар қурилади.

5. Чорвачиликда қорамоллар сони 1,1 млн. бошга, қўй ва эчкилар 1,2 млн. бошга, паррандалар 19,1 млн. бошга етказилади.

Бунинг учун:

– қиймати 1 трлн. сўмлик 80 дан ортиқ лойиҳалар ишга туширилади;

– четдан 6,5 минг бош насли қорамол, 9 минг қўй-эчкилар олиб келинади;

– 15 минг гектар лалми ва яйлов ерлар очиқ аукцион савдоларига чиқарилади;



– 49 минг гектар майдонда озуқа экинлари экилиб, ем-хашак ҳажми 1 млн. 880 минг тоннага ёки 116 фоизга етказилади;

– насличилик хўжаликлари сони 419 тага (+65 та) етказилади, 214 минг бош сигирлар сунъий уруғлантирилади;

– паррандачиликда жами 2,5 млн. бошга мўлжалланган қиймати 1 трлн. 32 млрд. сўмлик 13 та лойиҳа ишга туширилади;

– 156 км. зовурларда 800 минг бош (ҳозирда 390 минг) ўрдак боқиш йўлга қўйилади;

– ҳар бир фермер хўжалигида 10 бошдан қўй, 2 бошдан сигир, 50 бошдан товуқ, 100 бошдан ўрдак ва ғоз боқиш йўлга қўйилади;

– юқоридаги тадбирлар натижасида гўшт етиштириш 332 минг тоннага (104 фоиз), сўт етиштириш 1,2 млн. тоннага (104,1 фоиз), тухум 1,7 млрд. донага (104,9 фоиз) етказилади.

6. Балиқчиликда жами 11,5 минг гектардаги балиқчилик хўжаликларининг 3 минг 550 гектар майдонлари интенсив усулга ўтказилади:

– жами балиқ етиштириш жорий йилдаги 24,5 минг тоннадан 30 минг тоннага оширилади, ўсиш 130 фоиз;

– бундан ташқари, “форель”, “осётр” ва “белуга” каби ноёб балиқлардан икра олиш жорий йилги 1,5 тоннадан 5 тоннага етказилади.

7. Муҳтарам Президентимиз белгилаб берган резавор экинлар етиштириш драйвер сифатида алоҳида эътиборга олинади:

– голубика плантациялари 65 гектардан 300 гектарга, ҳосилдорлик эса 1,5 минг тоннага етказилади;

– саноат усулида малина етиштириш



90 гектардан 440 гектарга, ҳосилдорлик 2,8 минг тоннага етказилади;

– саноат усулида қўлпанай етиштириш 420 гектардан 1 минг 50 гектарга, ҳосилдорлик 15 минг тоннага етказилади;

– резавор экинларни етиштириш ҳисобига ҳар гектардан олинандиган даромад 400-500 млн. сўмга етади.

8. 8,2 минг гектарга шולי экилиб, ҳосилдорлик амалдаги 44,7 центнердан 56 центнерга етказилиб, ялли ҳосил 45 минг тоннадан оширилади.

Бунинг учун:

– шולי майдонларининг 4,6 минг гектари (55,7 фоизи) лазер ёрдамида текисланиб, 34 млн. куб тежаланиди;

– 1 минг 800 гектарида кўчат усулида экиш йўлга қўйилади;

– 33,6 минг гектарда дуқакли экинлар 50,4 минг тонна, мойли экинлар 10,6 минг гектарда 17,4 минг тоннага етказилади;

– 1 минг 260 гектар дала четларида 38 минг тонна қўшимча маҳсулот етиштирилади.

Шунингдек, 5,5 млн. дона терак, 1,4 млн. дона мевали дарахтлар экилади.

9. 2026 йилда 14,8 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади:

– ирригация-мелиорация тармоқларини ёпиқ тизимга ўтказиш ҳисобига 2,5 минг гектар;

– тоғ ва адирликларга сув чиқариш ҳисобига 4,5 минг гектар;

– ирригация тармоқлари четларини ўзлаштириш ҳисобига 2,2 минг гектар;

– яйлов, лалми майдонларда ер ости сувларидан фойдаланиш ҳисобига 3,6 минг гектар;

– фойдаланишдан чиққан ерларни қайта ўзлаштириш ҳисобига 1,2 минг гектар.

10. 4,9 км. коллектор-дренаж тармоқлари қурилади, 2 минг 380 км. ички суғориш тармоқлари бетонлаштирилади, 4,9 км. қисми ёпиқ дренажга ўтказилади:

– вилоят бюджетидан 10 млрд. сўм маблағ ҳисобига 900 та “Ақлли сув” ҳисоблагич ускуналари ўрнатилади.

– натижада 42 млн. м³ ёки 15,2

фоиз сув тежалишига эришилади;

– 103 та насос агрегатларига 20 минг кВт.ли қуёш панеллари ўрнатилади, натижада 495 минг кВт. электр энергияси тежаланиди;

– коллектор ва дренажларга қўшимча 25 та насослар ўрнатилиб, 36 млн. м³ сув фойдаланишга киритилади ва 4 минг 600 гектар майдонда сув таъминоти яхшиланади.

11. 247,2 млрд. сўмлик 503 та янги қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари харид қилинади:

– 40 та пахта териш машинасини харид қилиш ҳисобига жами пахта ҳосилининг 191,5 минг тоннаси ёки 84 фоизи механизация ёрдамида терилади;

– 20 дона ғалла комбайни, 62 дона юқори унумли тракторлар, 56 дона лазерли текислагич, 150 дона пленка остига чигит экиш сеялкалари харид қилинади.

12. Пиллачиликда Хитой ва Вьетнам тажрибалари асосида жами 21,6 млн. доллар хорижий инвестиция ҳисобига замонавий пиллаҳоналар барпо этилиб, марказлашган усулда 4,5 минг қути ёки 75 тонна пилла етиштириш йўлга қўйилади. Соҳада жами 97 минг нафар мавсумий иш уринлари яратилади.

Амалга ошириладиган тадбирлар натижасида соҳада бир йиллик жами даромад 28 трлн. сўмга етиб, ўсиш 110 фоизни ташкил этади.



Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони 710 мингдан 880 мингга кўпаяди.

Бугунги кунда камбағаллик реестрида бўлган 22 мингта оиланинг 11,4 мингтаси мазкур соҳа орқали камбағалликдан чиқарилади.

Мазкур рақамлар фермер ва деҳқон хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги субъектлари кесимида тақсимлаб чиқилади.

Декабрь-февраль ойларида ташкил қилинадиган ўқишларда ҳар бир фермерга тушунтириш, ўргатиш, тажрибасизларга устоз бириктириш орқали ижросини таъминлаймиз.

Бундай улкан марра ва вазифаларни амалга оширишда барчамизга хурматли Президентимиз яратиб бераётган имтиёз ва имкониятлар битмас-туганмас шижоат бағишлайди.



▼ Эътироф



Президент Олимпиадаси
Ғолиблари тақдирланди

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Президент Олимпиадаси ғолиб ва совриндорлари, уларнинг устоз-мураббийлари ҳамда ота-оналари билан учрашиб, юксак натижалар билан қутлади.

Мамлакатимизда илк бор ўтказилган Президент Олимпиадаси вилоятимиз спортчилари учун ҳаяжонли дамлар ва зафарли натижаларга бой бўлди. Кескин ва мурасиз ўтган бахсларда Тошкент вилояти ёшлари 18 та олтин, 8 та кумуш ва 31 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни, жами медаллар сони бўйича эса 1-ўринни эгалладилар.

Вилоят ҳокими ушбу салмоқли ютуқлар билан ёш спортчиларни, уларнинг устоз-мураббийлари ҳамда фидойи ота-оналарини саноқли муваффақиятлари билан қутлади, бу натижалар катта меҳнат, кунт ва сабр-тоқат маҳсули эканини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, мусобақанинг минтақавий ва вилоят босқичларида сараланган 230 нафар энг кучли спортчи Республика финалида вилоят шарафини ҳимоя қилгани таъкидланди.

Айниқса, бокс, юнон-рум кураши ва стол тенниси бўйича жамоаларнинг муваффақиятли иштироки эътироф этилди. Шунингдек, енгил атлетика бўйича С. Нусратуллаеванинг 2 минг

метрга тўсиқлар билан югуриш йўналишида 6 дақиқа 39,6 сония натижа кўрсатиб, 18 ёшга бўлган спортчилар орасида Ўзбекистон рекордини ўрнатгани мусобақанинг энг қувончли воқеаларидан бири сифатида қайд этилди.

Тадбир якунида Президент Олимпиадаси ғолиб ва совриндорлари, шунингдек, уларнинг устоз-мураббийлари ҳамда мусобақаларини ўтказишга катта ҳисса қўшган масъуллар муносиб тақдирландилар.

Шунингдек, тадбирда жорий йилда жаҳон чемпионатида нафақат вилоятимиз, балки республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Ўзбекистон байроғини юқори чўққиларга олиб чиққан чемпионлар ҳам тақдирландилар.

Вилоят раҳбари ёш спортчиларни келгусида ҳам Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишига, байроғимизни юксакларга кўтаришга қақариб, уларга муваффақият ва янги зафарлар тилади.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги
Ахборот хизмати

124 нафар спортчидан 197 медаль:
ёш параспортчиларимиздан тарихий натижа

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган V ёшлар ПараОсиё ўйинлари Ўзбекистон спорт тарихида ўчмас из қолдирди. Бир ҳафта мобайнида ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада ўзбекистонлик ёш параспортчилар 197 та медални қўлга киритиб, илк бор умумжамоа ҳисобида мутлақ чемпионликка эришишди. Бу натижа нафақат рақиблар устидан қўлга киритилган ғалаба, балки мамлакатимизда параспорт тизими тўғри ва изчил йўлга қўйилганининг амалдаги исботи бўлди, десак муболаға бўлмайд.

▼ Фахр

Авалло, мазкур мусобақа ҳақида тўхталиб ўтсак. Ёшлар ўртасидаги ПараОсиё ўйинлари илк бор 2009 йилда Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилган бўлиб, унда 29 мамлакатдан 466 нафар ёш пара-атлет иштирок этган. Якунда мезбонлар 65 та олтин, 26 та кумуш ва 22 та бронза (жами 113 та) медаль билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашган. Вакилларимиз эса 8 та медални (4 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза) қўлга киритган ҳолда турнирни 13-ўрини банд этти.

Ундан кейинги мусобақа 2013 йилда Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган. Бу гал мазкур турнирда бўлган қизиқиш сезиларли ошиб, 29 мамлакатдан 1,2 мингдан ортиқ атлет иштирок этди. Якунда яна япониялик спортчилар биринчи ўринни эгаллашди. Вакилларимиз эса 12 та медаль (6 та олтин, 4 та кумуш ва 2 та бронза) билан яна 13-ўрини банд этти.

2017 йилда Дубай шаҳри мезбонлик қилган III ёшлар ПараОсиё ўйинлари эса вакилларимиз учун аввалгиларига қараганда омадли ўтди. Спортчиларимиз турнир давомида 20 та олтин, 6 та кумуш ва 2 та бронза медалга эга чиқиб, 4-ўринни эгаллашди.

Орадан 4 йил ўтиб Баҳрайн давлатида ўтказилган навбатдаги ПараОсиё ўйинларида қўлнинг 30 мамлакатидан 750 нафар спортчи иштирок этди. Қўлда коронавирус пандемиясидан кейинги илк параспорт мусобақасида Ўзбекистон делегацияси 45 нафар пара-атлет билан қатнашиб, якунда 16 та медални қўлга киритган ҳолда 6-ўринни эгаллайди.

Шундан сўнг, юртимизда параспортга бўлган эътибор сезиларли даражада ошди. Дастлаб, 2022 йилнинг июнь ойида давлатимиз раҳбари томонидан "Давлат спорт-таълим муассасалари тарбиялаш, терма жамоаларга етарли кадрлар захирасини шакллантириш устувор вазифа қилиб белгиланди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра республика бўйлаб

15 та олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази ташкил этилди. Марказда ёш спортчиларни тўғри йўналтириш мақсадида тажрибали мутахассислар жалб қилинди. Бу эса тез орада ўз натижаларини бера бошлади. Якунда яқунланган V ёшлар ПараОсиё ўйинлари бунга яққол мисол. Қўлнинг 35 та давлатидан тахминан 1,3 мингдан ортиқ пара-атлет спортининг 11 тури бўйича ўзаро беллашган мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси 99 та олтин, 57 та кумуш ва 41 та бронза медал билан яқунлаб, медаллар жадалида биринчи ўринни эгаллади.

Вакилларимизнинг Дубайдаги иштироки илк кунлардан оқиб мутахассислар эътиборини тортиди. Ёш спортчилар деярли барча йўналишларда ўзларининг нимага қодирликларини кўрсатишди. Айниқса, пара-атлетика ва пара-сузишдаги чиқишлар жамоанинг умумий муваффақиятида ҳал қилувчи ўрин тутди. Пара-атлетика бўйича спортчиларимиз 71 та (37 таси олтин), пара-сузиш мусобақаларида эса 59 та (36 та олтин) медални қўлга киритишди, бу борада ўзига хос рекорд натижа қайд этишди. Хусусан, хамюртимиз 16 ёшли Хусния Олимжонова ўсмирлар тоифасидаги бахсларда югуриш (100 м, 200 м, 400 м, 800 м, 1500 м), ядро улоқтириш, баландлик сакраш ва узунликка сакраш йўналишларида иштирок этиб, жами 8 та олтин медалга сазовор бўлди. Бу нафақат Ўзбекистон, балки ёшлар дунё параспорти мусобақалари тарихидаги энг юқори индивидуал натижалар қаторига кирди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур тарихий натижага Тошкент вилояти спортчилари ҳам салмоқли ҳисса қўшишди. Ушбу нуфузли турнирда вилоятимиздан 6 нафар пара-атлет юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, якунда делегациямиз ҳисобида 7 та (4 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза) медални қўшиб қўйишга муваффақ бўлишди. Айниқса, оҳангаронлик ёш спорт-

чи Хусан Жабборов диск улоқтириш беллашувларида олтин, узунликка сакраш Т37 баҳсларида эса бронза медални қўлга киритиб, муҳлис-у мутахассислар олқишига сазовор бўлди.

Айнан Дубайдаги мусобақа яна бир муҳим жиҳатни очиб берди: Ўзбекистон параспортда энди фақат алоҳида истеъдодларга эмас, балки кенг заҳирага эга барқарор жамоага таяна бошлади. Турли ёш ва функционал тоифаларда спортчиларнинг бирдек юқори натижа кўрсатиши тизимли ишнинг самараси эканини кўрсатди. Бу эса келгусида катталар ПараОсиё ўйинлари ва Паралимпия мусобақаларида ҳам барқарор иштирок ва юқори натижалар учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари мусобақадаги зафарли одимлардан сўнг делегация аъзоларига алоҳида табрик йўллади. Унда ёш параспортчиларнинг натижаларини нафақат спорт соҳасида, балки жамиятда имконияти чекланган ёшлар учун илҳом ва ижтимоий фаоллик манбаи экани таъкидланди.

Муҳтасар айтганда, V ёшлар ПараОсиё ўйинлари Ўзбекистон учун оддий мусобақа эмас, балки параспорт тарқиқетида янги босқичнинг бошланиши бўлди. Бу натижа аввалги мусобақалар билан солиштирганда сезиларли ўсишга эришганимизни кўрсатди. Умид қиламики, ёшларимизнинг қаҳрамонликлари 2028 йилда АҚШда бўлиб ўтадиган Паралимпия ўйинларида ҳам давом этади.

Суҳробжон САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" шарҳловчиси



▼ Бугуннинг гапи

Ўзбекистонда электрон рецепт тизимининг жорий этилиши соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг баҳсли ислохотлардан бири бўлди. Расмийларга кўра, мазкур тизим кучли таъсирга эга дори воситаларини назоратсиз қўллашни чеклаш, дори айланмасида шаффофликни таъминлаш ва беморлар хавфсизлигини оширишга қаратилган. Аммо жамоатчиликни қизиқтираётган асосий масала – янги тизим "таниш дорихона" ва дори фирмалари билан яширин ақоилар муаммосини ҳал қила оладими?

“ЭЛЕКТРОН РЕЦЕПТ”
ТИЗИМ “ОДАТЛАРИНИ” ЎЗГАРТИРА ОЛАДИМИ?

Сир эмас, йиллар давомида айрим шифокорлар беморларни маълум дорихоналарга йўналтириб келгани ҳақида турли гап-сузлар бўлган. "Фалон дорихонада бор", "Бу дори фақат шу ерда сифатли" деган иборалар беморлар учун оддий ҳолга айланган.

Бу амалиётнинг ортида дори бозоридаги рақобатга таъсир кўрсатувчи дори фирмалари билан норасмий муносабатлар турган. Муайян препаратларни мунтазам ёзиш, айниқса, антибиотик ва гормонал дориларда шубҳали ҳолатларни келтириб чиқарган.

Аслида электрон рецепт тизими дори дораёни тўлиқ рақамлаштирилади. Шифокорлар қайси дори қайси ташхис асосида ёзгани ягона электрон базада сақланади.

Тизим шифокорлар томонидан муайян дори воситаларининг ортиқча ёзилиши, бир хил брендларнинг мунтазам такрорланишини аниқ кўринадиган ҳолга келтиради.

Бироқ, ҳар қандай рақамли тизимда инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолавереди. Шифокор дорини электрон тарзда ёзса-да, шахсий муносабатлар, одат ёки манфаатлар таъсирида муайян брендини тавсия қилиши мумкин. Беморга "Шу дорихонада бор" деб очик айтмасдан ҳам ишора, маслаҳат ёки йўналтирув орқали таъсир ўтказиш эҳтимоли юқори.

Беморга шундай механизм яратиб берилиши керакки, у шифокор ёки тиббиёт ходими томонидан билдирилган шубҳали оғзаки тавсиялар – муайян дорихона, бренд ёки препаратта ишоралар ҳақида назорат қилувчи ташкилотларга осон ва хавфсиз тарзда хабар бериши мумкин бўлсин. Бунда беморнинг шахсияти ҳимоя қилиниши, мурожаат эса расмий текширув учун асос сифатида қабул қилиниши лозим.

Фақат шундагина электрон рецепт тизими қоғозда эмас, амалда ҳам ишлайди. Акс ҳолда, технология қанчалик замонавий бўлмасин, инсон омили орқали қондаларни айланб ўтиш давом этавериши мумкин.

Журналист Шокиржонов ўзининг Telegram ижтимоий тармоқ саҳифасида электрон рецепт тизими жорий этилиши билан боғлиқ қатор муаммоларга эътибор қаратди. Унга кўра, тизимга ҳали тўлиқ уланмаган дорихоналар мавжудлиги, аҳолининг йиллар давомида оддий дориларни рецептсиз олишга ўрганиб қолгани, шифокорларнинг электрон рецепт ёзишдаги техник қийинчиликлари ҳамда айрим фуқароларнинг янги тартибга ҳали мослашмагани жамоатчилик норозилигига сабаб бўлмоқда.

Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, электрон рецепт тизими ўта шошилч ва етарли тайёргарликсиз жорий этилган. Хусусан, рецепт

билан сотилиши белгиланган айрим дори воситалари рўйхатга киритилган бўлса-да, худди шу таъсирга эга бўлган бошқа аналог дори воситалари рўйхатдан ташқарида қолган. Бу эса дори "бизнеси" билан шуғулланувчи айрим тадбиркорлар учун ноҳил имкониятлар яратиб, бозорда сунъий мувозанатсизликка олиб келиши мумкин.

Қайд этилишича, бундай шароитда беморлар оддий шамоллаш ҳолатида ҳам шифокор қабулига боришга, қабул учун алоҳида, дори учун эса яна қўшимча маблаг тўлашга мажбур бўляпти. Бу эса аҳолининг кам таъминланган қатламга қўшимча молиявий юк демакдир.

Шунингдек, журналист Қозоғистон тажрибасини ҳам эсга олади. У ерда электрон рецепт тизими аввалроқ жорий этилган бўлиб, айрим маълумотларга кўра, ушбу тартиб қўлланганидан сўнг минглаб қозоғистонлик беморлар бошқа давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда даволанишни афзал кўра бошлаган. Мутахассислар электрон рецепт тизими Қозоғистонда тиббий хизмат сифатида салбий таъсир кўрсатгани ҳақида ҳам фикр билдиришмоқда.

Шокиржоновнинг фикрича, дори-дармонларни бу тарзда қатъий чеклаш яна бир хавфли ҳолатга – халқ таъбобати ва малакали тиббиётдан йироқ бўлган "шарлатан табиблар"

га мурожаат қилиш ҳолатларининг кўпайишига замин яратиши мумкин. Натижада одамлар профессионал шифокорлар эмас, балки тасдиқланмаган усулларга ишонишга мойил бўлиб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шахсан ўзим электрон рецепт билан боғлиқ муҳокамали вазиятга дуч келдим. Бир танишим ярим тунда томоғи қаттиқ оғриб, ҳарорати 38 даражагача кўтарилгани, ҳолсизлик кучайганини айтди. У авваллари ҳам шифокор кўригидан ўтиб, унинг тавсиясига кўра "Амоксициллин" дори воситасини қабул қилган ва бундай ҳолатларда аҳоли қисқа фурсатда яхшиланганини таъкидлади.

Бироқ ноҳос кўзгалган касалликка қарши курашиш учун эса ўша кечаси дори тутаб қолган. Шифохона узоқ, тунги вақтда эса шифокорга мурожаат қилиш имкони йўқ. Шу боис у ўзига энг яқин дорихонага қиқиб, "Амоксициллин" сўраган. Сунъий мувозанатдаги сотувчи мазкур дори ҳозирги кунда фақат электрон рецепт орқали берилишини айтиб, уни сотишдан бош тортган. Шу билан бирга, дорихона ходими беморга бошқа дори воситасини тавсия қилган. Вазиятдан келиб чиқиб, аҳоли оғирлашиб бораётганини ҳис қилган, шифохона эса узоқда жойлашгани сабабли танишим сотувчи тавсия қилган ўша дори воситасини олишга мажбур бўлган.

Ана шу ҳолатдан сўнг менда табиий савол туғилди. Бу амалиёт қонунийми?

Чунки амалда фармацевтнинг ваколати шифокорникидан қатъий ажратилган. У дори воситаси ҳақида умумий ахборот бериши мумкин, аммо ташхис қўйиш, даволаш усулини белгилаш ёки дори тавсия қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Назорат фақат бемор ва шифокорга эмас, дорихона пештахтаси ортидаги қарорларга ҳам қаратилмасе, жорий этилган тизим қўйилган натижани бермаслиги мумкин.

Ўткир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

▼ Эълонлар

«E-AUTOTECH» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган авто, махсус транспорт, ускуналар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан "O'z sanoat qurilish bank" АТБ балансида бўлган:

- Тошкент шаҳри, Сергели тумани, "Сўғдиёна" МФЙ, Сергели 3-мавзе, 4-уйда жойлашган Фронтал погрузчик;
 - Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Гулбахор" МФЙда жойлашган 35 турдаги текстиль дастгоҳлари.
- Сотиш шарти ва нархи билан e-autotech.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.

Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-autotech.uz платформаси орқали ариза беришлари мумкин.
Колл-центр: +99855-517-22-20.
Расмий сайтимиз: e-autotech.uz

«Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан "O'z sanoat qurilish bank" АТБ балансида бўлган:

- Тошкент вилояти, Паркент тумани, Катқол МФЙ, Тонг қолдузи кўчаси, 323А-уйда жойлашган, Фишт заводи биноси сотилади.
- Сотиш шарти ва нархи билан www.e-rieltor.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.

Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-rieltor.uz платформаси орқали ариза беришлари мумкин.
Колл-центр: +99855-517-22-20.
Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Nozima RASULOVA

Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 23.30.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-1235.

2 430 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taqob. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxonang manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

ДЕХҚОННИНГ МЕХНАТИ РИЗҚНИНГ ХАЗИНАСИДИР



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Тадбир аввалида худудлардан келган меҳмонлар Нурафшон шаҳридаги “Ватанпарвар” боғини зиёрат қилиб, Иккинчи жаҳон уруши йилларида матонат, сабр-тоқат ва ватанпарварлик тимсолига айланган ўзбек аёли – Зулфия Зокирова ҳайкали пойига гул қўйиш маросимида қатнашдилар.

Тантананинг бадий қисмида дастлаб, вилоят ҳокимининг қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кун муносабати билан жамоатчиликка йўллаган мурожаати эшиттирилди.



Вилоят раҳбари соҳа фидойиларини касб байрами билан самимий қўлаб, уларнинг машаққатли, бироқ шарафли меҳнати эътироф этди.

Мурожаатда таъкидланганидек, якунланаётган йил вилоят қишлоқ ҳўжалиги учун рекордлар йили бўлди. Жорий йилда эл-юрт хирмонига 206 минг тонна пахта ва 828 минг тонна дон топширилди. Шунингдек, 71 нафар фермер пахтадан гектарига 60 центнердан, 130 нафарга яқин фермер галладан гектарига 100 центнердан ортик ҳосил олишга эришди.

Шу билан бирга, вилоятда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 2026 йилда амалга оширилиши режалаштирилган устувор вазифаларга ҳам тўхталинди. Хусусан, аграр соҳада ялпи маҳсулот ҳажмини 7,2 миллион тоннага етказиш, илгор агротехнологияларни кенг жорий

этиш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ҳар гектар ер майдонидан камида 6 минг доллар даромад олиш ҳамда соҳада жами 210 минг нафар доимий ва мавсумий иш ўринлари яратиш кўзда тутилаётгани қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонида мувофиқ, вилоятнинг 9 нафар қишлоқ ҳўжалиги вакиллари давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

Шунингдек, тадбирда мавсум давомида юқори ҳосил олиб, баракали хирмон кўтарган 30 нафар уста миришкорлар, илгор фермерлар, агрономлар, механизаторлар, сувчилар, экспортчилар ҳамда соҳа фаоллари турли номинациялар бўйича тақдирландилар.

– Президентимиз томонидан қишлоқ ҳўжалиги соҳасига қаратилаётган эътибор биз учун янги имкониятлар



эшигини очмоқда, – дейди Зангиота туманидаги “Расулов Даврон Агро” фермер ҳўжалиги раҳбари Шомаммуд Ҳақимов. – Бу йилги байрам муносабати билан вилоят ҳокимлиги томонидан тақдирланганимиз бизга катта қувонч бағишлади. Айни пайтда иссиқхоналаримизда турли хил сабзавот маҳсулотлари етиштириб, нафақат ички бозор, балки хорижий давлатларга ҳам экспорт қилмоқдамиз. Бундай рағбат ва эътироф келгусидаги фаолиятимизни янада ривожлантиришга туртки бўлади.

Тантана давомида янраган куй-қўшиқлар, миллий ва замонавий рақслар байрамга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Тадбир якунида эса Нурафшон шаҳридаги марказий арча безалган майдонда қишлоқ ҳўжалиги ходимлари шарафига байрам салюти уюштирилди.

Зухриддин РАҲМОН,
“Ташкент ҳақиқати” муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



▼ Тўйхат

Бу йил бир аср давомида ўзбек аёлларининг улғуворлигини ифодалаб келган “Саодат” журнали юз ёшга қаршилади. Журнал ўз тарихи давомида, энг аввало, адабий қадриятларни, аёллик оламини, оила шаънини муҳофаза қилган. Саҳифаларида муқаддас аёл, муътабар она, муносиб умр йўлдош, яхши уй бекаси мавзуларини мунтазам равишда ёритиб келган. Шу боис ҳам у ўзининг таъсирчанлиги ва ўқувчилар орасида талабчанлигини исботлаб келган.

▼ Уч авлод учрашуви

МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА ВОРИСИЙЛИК САБОҒИ

Авлодлар ўртасидаги маънавий боғлиқликни мустақамлаш, катталар тажрибасини ёшларга етказиш ва миллий қадриятларни асраш мақсадида маҳаллаларда “Уч авлод” учрашувлари мунтазам ташкил этиб келинмоқда. Қуйи Чирчиқ туманидаги “Юлдуз” маҳалласида бўлиб ўтган навбатдаги учрашув ҳам кекса, ўрта ва ёш авлод вакиллари билан бўлиб ўтди, иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди.



Туман ҳокимлиги, вилоят ва туман “Нуроний” жамғармаси, маданият ва маънавият бўлими ҳамда Ёшлар агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган маданий-маърифий тадбирнинг асосий қаҳрамони – кўпқари ва улоқ майдонида қарийб 40 йилдан буён фаолият юритаётган Қўдратхўжа Усмонов бўлди.

Беш авлод билан елкама-елка туриб майдонга тушиб келаётган чавандознинг тажрибаси ва жасорати ёшлар учун намуна бўла

олади. У ҳар йили 20-30 та улоқда иштирок этиб, шундан камида 10 таси катта улоқ эканини таъкидлар экан, бу фақат жисмоний чидамлик эмас, балки ҳаёт тартиби, интизом ва садоқат натижаси эканини сўзлаб берди.

– Полвон бўлишнинг ҳеч қандай сири йўқ, бунда ҳаракат ва меҳр бор, – дейди у. – Кўпқари – жасорат ўйини. Аввал отга меҳр бериш керак. Кейин майдонга чиқиш мумкин. Ҳар бир ҳаракатни ўйлаб, шошилмасдан қилиш лозим.

Қўдратхўжа Усмоновнинг жамият ҳаётидаги ўрни маҳалла тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Илгари “Иванбой” номи билан танилган ҳудуд 2000 йилдан бошлаб эл орасида “Чавандоз” деб атала бошлади ва 2008 йилда бу ном расман тасдиқланди. Бу ҳолат инсон қадр жамиятда қандай шаклланишини яққол кўрсатади.

Тадбирда ўрта авлод вакили сифатида Қўдратхўжа Усмоновнинг фарзандлари ҳам сўзга чиқди. Улар отадан олган тарбия, меҳнатсеварлик ва ҳалоллик тамойиллари ҳаётда доим йўлбошчи бўлиб келаётганини таъкидладилар.

– Отам бизга доим намуна бўлганлар, – дейди ўғли Камолхўжа Усмонов. – Тарбияни сўз билан эмас амалда кўрсатиб келганлар. Меҳнат қилиш, элга хизмат қилиш, кичикка меҳр, каттага ҳурмат – отамиздан ўтган фазилатлар. Уларнинг босиб ўтган йўллари биз учун ибратдир.

Тадбир давомида ижро этилган миллий қўшиқлар иштирокчилар қалбида ватанпарварлик ва фахр туйғуларини уйғотди.
Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
“Ташкент ҳақиқати” муҳбири



Аёлнинг улғуворлиги ва юксак мақсадлар сари интилиши доимо “Саодат”нинг бош мавзуси бўлган. Ўзбекистон халқи бугун ҳақли равишда фахрланаётган журнал саноксиз ижодкорларга илҳом манбаи бўлган.

Унинг илк сони 1925 йилнинг 1 декабрида “Янги йул”, 1936 йилда “Ерқин турмуш”, “Ерқин ҳаёт” номи билан chop этилган. Ундаги мақолалар тобора фаоллашаётган Ўзбекистон аёллари ҳаётининг кўзгусига айлана бошлаган.

1941 йилда нашр тўхтаб қолган.

1950 йилда “Ўзбекистон хотин-қизлари” номи билан ўқувчиларга тақдим этилган.

1966 йилдан опа-сингилларимизнинг интилишлари, қалб истакларига ҳамоҳанг тарзда ушбу нашр – “Саодат” деб номланган. Ижтимоий-сиёсий, бадий

аёллар журнали миллионлаб хонадонларга кириб борди, ҳақиқий маърифат чашмасига, мухлисларнинг қадрдон маслаҳатчисига айлана олди.

Мустақиллик “Саодат”га янги нафас, янги мавзулар берди. “Мустақил Ватан таянчлари”, “Тадбиркорлик калити”, “XXI аср аёли”, “Огоҳ бўлинг, одамлар!”, “Аёл ва сиёсат”, “Маънавият бекати”, “Жаҳонга машҳур хонимлар” каби руҳлар остида таҳлилий, маърифий, танқидий руҳдаги мақолалар берилди бошлади. “Илк қадам”, “Суюнчи”, “Кўнгилнинг нозик сирлари”, “Уйингизда қиз ўсяпти” каби саҳифалар ташкил этилди.

1999 йилнинг апрелида журналга илова “Гулчехралар” газетаси ўқувчилар қўлига теғди.

Тарихга назар ташласак, журналга бир аср давомида Ўзбекистоннинг энг кўзга кўринган

аёллари, ёзувчи ва жамоат арбаблари: Зулфияхоним, Ойдин Собирова, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиёва, Феруза Жалилова каби кўплаб таниқли ижодкорлар раҳбарлик қилганлар.

Ҳозирда ҳам “Саодат” жамоаси мухлислари ва ўқувчиларига содиқ, журнал аъналарига садоқат билан ишлашмоқда. Айни вақтда журналга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Шухрат” медали соҳибаси, истеъдодли шоира – Мунаввара Усмонова Бош муҳаррирлик қилмоқда.

Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, бир аср юзини кўрган журналнинг фаолиятига омад тилаб қоламиз. Журнал яна кўп асрлар давомида ўзбек аёлларининг севимли дугонасига айланишига тилақдошмиз.

ЎЗА